



ХАБАР



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган
e-mail: axborot@xabar.uz
web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 21 февраль, пайшанба, 07 (483)-сон

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA



ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАЯПТИ

2 Жараён



ҚУЙИ БЎҒИН ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИ КЕРАК

5 Масъулият



ИЧКИЛИКБОЗЛИК ЭПИДЕМИЯСИ ОҚИБАТИ

7 Халқаро ҳаёт

Муносабат

ҚАЙСИ ПАРТИЯ ЁШЛАРГА ЯҚИНРОҚ?

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий потенсиали, истиқболдаги ривожланиш кўрсаткичлари ёшларнинг жисмонан бақувват ва маънан соғлом улгайишига боғлиқдир. Зеро, айнан ана шу қатлам вакиллариғина эртанги тараққиёт натижаларини белгиловчи асосий куч саналади.

Шунинг учун ҳам истиқдол йиллари мамлакатимизда ушбу муҳим тамойилга қатъий амал қилинди. Бу эса эртамиз эгаларининг ҳар томонлама баркамол тарбияланиши учун мустаҳкам замин яратди. Бугун мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар ташкил этаётгани, улар орасида юксак салоҳиятли, билими ва иқтидори, ноёб қобилиятлари билан ўз имкониятларини намойиш этаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган минглаб ёшлар борлиги қувонарли ҳолдир.

3 >>

Бунёдкорлик

ЗАМОНАВИЙ САЊЪАТ КОШОНАСИ



Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва сањъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори асосида Фарғона вилоятининг Бағдод туманида ҳам замонавий мусиқа ва сањъат мактаби бунёд этилди.

150 ўринга мўлжалланган сањъат кошонасида бугун 200 нафар ўқувчи мусиқа ва сањъат сирларини ўрганмоқда. Уларга 36 нафар малакали ўқитувчи ва мураббий ҳақ чолғу асбоблари, фортепиано, тасвирий сањъат, анъанавий хонандлик, рақс каби йўналишларда сабоқ бермоқда.

Мусиқа ва сањъат мактаби ўқувчиларидан ташкил топган «Олтин қўл» доирачилар гуруҳи, «Гулдаста» рақс дастаси, «Мумтоз» ашулчилар ансамбли аллақачон вилоятдаги сањъатсеварлар қалбидан жой олиб, нуфузли танловларда голиб бўлишти. Бағдод тумани марказида қад кўтарган ушбу мусиқа ва сањъат мактаби ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс»

ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ: ЭЗГУ МАҚСАД ВА МУҲИМ ВАЗИФАЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА ҲАР БИР ЙИЛГА ШУ ДАВР ИЧИДА ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ИФОДА ЭТАДИГАН НОМ БЕРИШ ЭЗГУ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН. ДОЛЗАРБ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ТЕГИШЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Мазкур жараёнга инвестициялар ажратишда нафақат давлат, балки нодавлат тизимлар, жамоат ташкилотлари, корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Утган йиллар таърибаси шуни кўрсатмоқдаки, бундай дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши муайян даврда бажарилиши белгиланган вазибаларни юксак самаралар билан амалга оширини имконини беради. Айни пайтда истиқболдаги бир неча йил учун замин яратиб, ривожланиш йўналишларини белгилаб олишга кўмаклашди. Энг муҳими, буларнинг барчаси аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада оширишга қаратилган ишлар изчиллигини таъмин-

лаш, жамиятимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг янада раванқ топишига хизмат қилади.

Президентимиз Ислам Қаримов 2012 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали даврада қўшимча қилиб 2013 йилни Обод турмуш йили, деб эълон қилди.

Ушбу эзгу мақсадлар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида ўзининг тўлиқ ифодасини топди. Унда белгилаб берилган чора-тадбирлар утган йилларда ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли ишларнинг мантқий давомидир.

3 >>



Сониқ ЗОИР олган сурат

Тadbиркорлик ҳуқуқи устуворлиги тамойили — амалда

ШУ КУНЛАРДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ИККИНЧИ ЎҚИШГА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН АКСАРИЯТ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Хусусан, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб

тоғиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармон-

лик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талаблари асосида тайёрланган.

2 >>

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ЛИБЕРАЛИЗМ ТАМОЙИЛЛАРИ

ЮРТБОШИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН БЕКИЁС НАТИЖА ВА ТўПЛАНГАН ТАЖРИБАНИНГ НАФАҚАТ МИЛЛИЙ, БАЛКИ УМУМИНСОНИЙ МАЗМУН КАСБ ЭТАЁТГАНИГА ТАҲЛИЛЧИЛАР АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДАЛАР. БУ, АЙНИҚСА, ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЛИБЕРАЛИЗМ ҲОЯЛАРИ НАМОЁН БўЛИШИНING ҲАР БИР МАМЛАКАТГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, ХАЛҚИМИЗ ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚ ВА ТАЖРИБАЛАРДАН УМУМИНСОНИЯТ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА ФОЙДАЛАНИЛАЁТГАНИДА ҲАМ ЯҚҚОЛ КўЗГА ТАШЛАНЯПТИ.

Енгил саноат



Сониқ ЗОИР олган сурат

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида фаолият юритаётган «Nurafshon-Nur» корхонаси асосан махсус иш кийимлари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, айни пайтда бу ерда 50 нафардан зейд тикувчи ва дизайнер меҳнат қилмоқда. Улар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. «SamAvto», «GM Powertrain» ва «Abu Saxiy» каби йирик бизнес субъектлари корхонанинг доимий мижозларидир. Ишга янгича ёндашув тўғрисида юқори сифат ва самарадорликка эришиляпти. Тез орада корхона фаолиятини янада кенгайтириш ва бошқа вилоятларда ҳам унинг филиалларини очиб режалаштирилмоқда.

Маҳалла ваколатлари янада кенгайди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ТўҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАЯПТИ



Барчиной МАШАРИПОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Бугун мамлакатимиздаги 10 мингга яқин маҳаллалар томонидан илгари давлат ҳокимияти идоралари ваколатида бўлган 30 дан ортиқ ижтимоий аҳамиятга молик вазибалар бажарилмоқда. Эндиликда эса уларнинг ваколатларини янада кучайтириш масаласи кун тартибига қўйилган бўлиб, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бунда маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш билан боғлиқ вазибаларини янада кенгайтириш лозимлиги алоҳида таъкидланган. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланди.

2 >>

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 19 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▼ 2073,21
1 Англия фунт стерлинги	▼ 3119,19
1 Дания кронаси	▼ 360,28
1 БАА диррами	▲ 548,86

1 АҚШ доллари	▲ 2015,76
1 Миср фунти	▲ 299,51
1 Исландия кронаси	▼ 15,63
1 Канада доллари	▼ 2001,15

1 Хитой юани	▲ 323,02
1 Малайзия рингити	▲ 650,56
1 Поляња злотийси	▼ 642,29
1 СДР	▼ 3076,98

1 Туркия лираси	▼ 1139,62
1 Швейцария франки	▼ 2178,02
1 ЕВРО	▼ 2701,24
1 Жанубий Корейя вони	▼ 18,60

10 Япония иенаси	▲ 214,17
1 Россия рубли	▲ 66,94
1 Украина гривнаси	▲ 252,19

Парламентда

Тадбиркорлик ҳуқуқи устуворлиги таъминли — амалда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Насим АЛИМОВ,
Полянте СВЕШНИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутатлари, O'zLiDeP фракцияси
аъзолари

Фармонда белгилаб қўйилганидек, давлат ва назорат идораларининг қоронгалар молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича қабул қилинган чораларга қарамадан, кичик бизнес ривожига тўқинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолиятини чеклаётган бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда. Модомики, янги қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришдан иборат. Мазкур ҳужжат айти шу жиҳатлари билан O'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларига ҳамохандир.

Қонун лойиҳаси тадбиркорликни янада кенгрок қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор концептуал йўналишларни ўз ичига олади. Хусусан, барча қонуларга тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари киритилаётгани, юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш баробарида маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин тақдоран қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарлиги икки баробар оширилади дегани эътиборга лойиқ.

Бундан ташқари, божхона назорати муддатга уч йил билан чекланиб, товарлар назоратдан ўтказилганидан кейин бир йил ўтган божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш тақиқланаётгани, корпоратив пластик карталардан фойдаланилганда тўлов терминларининг чеклари бирламчи бухгалтерлик ҳужжатлари тоифасига киритилаётгани ҳам тадбиркорлар учун қўшимча имтиёзлар беради.

Айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар орқали эса тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқий муҳофиза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро



ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИНГ 12-МОДДАСИГА, «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 5-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, ШУНИНГДЕК, БОЖХОНА КОДЕКСИНИ 71-МОДДА БИЛАН ТЎҒДИРИШ ТАКЛИФИ ЭТИЛМОҚДА.

муносабатларида тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари амал қилиниши белгиланапти. Яъни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талкин этилади. Шу муносабат билан лойиҳада Хўжалик процессуал кодексининг 12-моддасига, «Хўжалик юритувчи

субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига қўшимчалар киритиш, шунингдек, Божхона кодексини 71-моддаси билан тўлдирish таклифи этилмоқда.

Маълумки, Солиқ кодексининг 11-моддасида назарда тутилган амалдаги қонун ҳужжатларида бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар солиқ тўловчининг фойдасига талкин қилинишини таъминлайдиган таъминот амалиёти муваффақиятли татбиқ этилмоқда. Худди шундай норма янги таҳрирдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида ҳам мустақамланган.

Шундай қилиб, янги тартибга мувофиқ, қонунчиликни бузганлик учун бутун ташкилот эмас, балки айбдор мансабдор шахс жавобгар бўлади. Бунда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилиб, юридик шахслар учун бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари (фаолиятни, лицензияни тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш) сақлаб қолинмоқда.

Юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий санкцияларни бекор қилиш зарурлигиндан, шунингдек, юқорида баён этилган концептуал талаблардан келиб

чиққан ҳолда амалдаги 13 та қонун ҳамда тўртта кодексга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи этилмоқда. Яна бир жиҳати, қонун лойиҳаси концепциясига кўра, «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги қонун ҳамда шу тоифадаги айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган, деб топиш назарда тутилмапти.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда халқаро тажриба афроғлича ўрганилди. Жумладан, АКШ, Канада, Мексика, Буюк Британия, Германия, Дания, Болгария, Жанубий Корея, Янги Зеландия ва Россия қонунчилигидаги ушбу нормаларга ўхшаш қонунлар мавжудлиги аниқланди, уларнинг барчаси таққослаш асосида таҳлил қилинди.

Қонун лойиҳаси O'zLiDeP фаоллари ва партия фракцияси аъзолари томонидан жойлардаги тадбиркорлар, мутасадди вазирилик ҳамда идораларнинг вакиллари иштирокида ташкил этилган бир қатор дара суҳбатларида, экспертлар гуруҳининг ишчи йиғилишларида кенг муҳокама қилинди. Муҳими, ушбу муҳокамалар натижада бўйича қонун лойиҳасининг муайян нормаларига тегишли тўхатишлар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилди.

Маҳалла ваколатлари янада кенгайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Лойиҳада ўз аксини топган нормалар таҳлил қилинса, таклиф этилаётган ўзгариш ва қўшимчалар бир қатор муҳим вазифалар ечимига йўналтирилгани маълум бўлади. Хусусан, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш, ноёб институт ҳисобланган маҳалланинг жамоатчилик назорати соҳасидаги функцияларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш марказига айлантиришнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Маълумки, изчил ислоҳотлар жараёнида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорликда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида ёлғиз қариялар, пенсионерлар, ногиронлар ва бошқа кўмакка муҳтож аҳоли қатламига манзилли ёрдам кўрсатиш бўйича зарур ишларни амалга оширомоқдалар.

Бу вазифаларни бажаришда O'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор ва фермерлар, ўрта мулкдорлар синфининг фуқаролар йиғинлари яқиндан ёрдам бераётгани ҳам ўзига хос натижалар берапти. Зеро, маҳаллаларда азалан ахлоқий қадриятлар ва анъаналар, жамоатчилик фикри ҳамда ўзига хос дунёқараш тизими шаклланиган. Мана шундай анъаналардан бири оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликдир. Бу йўналиш эса йиллар давомида шаклланиган урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизни акс эттиради.

Тадбиркорликнинг мазкур шакллари амалга оширишда оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, меҳнатга ҳақ тўлаш ва даромадни тақсимлаш масалалари уларнинг ўзлари томонидан мустақил тартибга солиб борилади. Шунингдек, фаолият қоритётган малакали мутахассислар ва ёшларимизда миллий анъаналарга асосланган ҳолда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш имконияти вужудга келади, яъни улар учун ўз бизнесини очишга шароит яра-

тади.

Шунинг учун ҳам, ушбу йўналишдаги ишларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш мақсадида қонун лойиҳаси бўйича бир қатор таклифлар билдирилмоқда.

Биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига фуқаролар йиғини ҳудудида кичик бизнес, жумладан, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, бунинг учун тегишли маслаҳат марказларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш бўйича қўшимча ваколатлар бериш, иккинчидан, фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги маслаҳат марказларининг вазифа ва ваколатларини белгилаш ҳамда мазкур марказлар фаолиятини ташкил қилишда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фуқаролар йиғини билан ҳамкорлиги ҳақидаги нормалар назарда тутилмоқда. Бу эса O'zLiDeP электорати манфаатларига тўла мос келади. Бошқача айтганда, қонунга киритилаётган янги нормалар Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастуридаги устувор йўналишларга ҳамохандир.

Зотан, янги иш ўринлари яратиш, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ниҳоятда зарур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. O'zLiDeP бу масалани ҳал этишнинг асосий йўналишлари сифатида аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда иқтисодий манфаатдорликни ошириш, ўзгарувчан бозор қонъюктурасида мослаштирилган малака ошириш ва профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш, шунингдек, қўшимча таълим олиш ва касб ўрганиш соҳасини тубдан яхшилаш керак, деб ҳисоблайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, сайловчилар билан бўлган учрашуларда фракциямиз аъзолари ўз сайлов округларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар фаолияти ва уларнинг муаммоларини ўрганиб, қонунни тақомиллаштириш бўйича қатор таклифлар олганлар. Эндиликда ана шу таклифлар жамланиб, уларнинг энг муҳимларини янги таҳрирдаги қонун лойиҳасига киритиш юзасидан изчил иш олиб боришмоқда.

Маҳаллий кенгашларда

Депутатлик гуруҳи назоратни кучайтираётти

2012 ЙИЛ МОБАЙНИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ O'ZLiDeP ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ТОМОНИДАН 6 ТА, ТУМАН ВА ШАҲАР ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА ЭСА 58 ТА МАСАЛА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ахроржон МУСУРМОНОВ,
«XXI ASR»

Халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Анваржон Отаходжаевнинг таъкидлашича, мазкур муҳокамаларда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларининг вилоятдаги ижроси, Олий Мажлис Сенатининг янги мажлислари, қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар ва қонунчилик ташаббуслари ижроси таҳлилларига қаратилган. Бундан ташқари, депутатлик гуруҳи ҳуқуқат қарорлари, халқ депутатлари вилоят кенгаши сессияси ҳамда сессия кун тартибига киритилган, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги доимий комиссияларда муҳокама этилган масалаларни изчил кўриб борган.

— Депутатлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалар-

да олиб борилаётган ишлар, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросига алоҳида эътибор қаратмоқдалар, — дейди А.Отаходжаев.

Қайд этиш лозим: вилоят кенгаши депутатлари 2012 йил давомида ўз сайлов округлари ҳудудидаги МФЙларда истиқомат қилувчи фуқаролардан жами 154 та мурожаат тушган бўлса, уларнинг 129 таси ижобий ҳал этилган. Мурожаатларнинг 53 таси банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредит олиш, 58 таси моддий ёрдам масаласига оидир.

Сайловчилар билан эса 84 марта, шаҳар ва туман кенгашидаги депутатлар томонидан 180 та учрашув ўтказилган. Жами 27755 нафар фуқаро иштирок этган ушбу тадбирларда асосан «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳияти, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, аҳоли сиёсий оғни ва маданиятини шакллантириш мавзулари қамраб олинган.

— Халқ депутатлари На-

манган вилоят кенгашида O'zLiDeP аъзолари 22 нафарни ташкил этади. 2012 йил охирида ўтган йилги фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиққан бўлсак, жорий йил бошида йўл қўйилган хато ва камчиликларимиздан хулоса чиқариб, «Обод турмуш йили» учун режалар тузиш, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, O'zLiDeP аъзоси Акмалжон Мамадумаров. — Кенгаши сессияларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва ривусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ Чортоқ, Норин, Мингбулоқ, Уйчи туманларида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофиза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принциплари амал қилиниши, вилоят иқтисодий тармоқларида инвестиция

киритиш ва шу ҳисобдан тарраққийимизни таъминлашда ички имкониятларни янада ошириш борасидаги ишлар ҳолати, Поп, Чуст, Тўрақўрган туманларидаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш борасидаги вазифалар ижроси бўйича амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди. Бундан ташқари, «Обод турмуш йили»да аҳоли турмуш даражасини ошириш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашда 2013 йилга белгиланган «Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш» дастури ижросини ўрганиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш учун ер ажратиш, қурилиш, пулрат танловлари, ҳамда қуриб битказилган уй-жойларга ичимлик суви, табиий газ тармоқларини тортиш, йўл қуриш ва бошқа қўлайликлар яратиш борасида туман ҳокимликларини, «Қишлоқ қурилиш инвест» ва вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи хизмати — Инжиниринг

компаниялари фаолияти афроғлича кўриб чиқилди. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида саноат ишлаб чиқарилиши, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, чакана савдо айланмаси ва аҳолига турли хизматлар кўрсатишни белгиланган дастур параметрларига асосан ижросини таъминлаш масалалари юзасидан ҳам режалар белгилаб олинди.

Ўз навбатида, депутатлик гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони юзасидан қабул қилинган қарорлар асосида 2013 йилнинг 9 ойида вилоятда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар юзасидан депутатлик сўровини ўтказишга қарор қилганини таъкидлаш жоиз.

Шубҳа йўқки, бундай сай-ҳаракатлар Наманган вилояти аҳолисининг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Тадбир



БИТИРУВЧИЛАРГА — 3,9 МЛРД. СЎМ

Ўтган йили тижорат банклари томонидан Тошкент шаҳри миқёсида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 1 трлн. 900 млрд. сўм кредит ажратилди.

Бунинг натижасида пойтахтимизда 16 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Бош прокуратура ҳамкорлигида Учтепа туманида ташкил этилган амалий учрашууда ана шу рақамлар тилга олинди.

— Дарҳақиқат, бутун молия муассасалари томонидан ажратилаётган имтиёзли сармоялар касб-хунар коллежи биттирувчиларининг катта ҳаётга қалам қўйишларида муҳим аҳамият касб этаётти. Биргина 2012 йилда Тошкент шаҳридаги биттирувчи ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун 3,9 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. — деди тадбирда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов. — Шу билан бир қаторда, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган йили пойтахтимиз бўйича хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 170 млрд. сўм кредит маблағи йўналтирилгани бежиз эмас.

Учрашув якунида бу каби тадбирларни тегишли ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг барча туманларида ўтказишга келишиб олинди.

Фаол аёллар етакчи кучга айланмоқдалар

О'ZLIDER ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ОШИРИШ БЎЛИМИ МУДИРИ НАРГИЗА МАВЛОНОВА «XXI ASR» МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

— 2012 йил Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг «Аёллар қаноти» ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари учун сермаҳсул йил бўлди. — дейди суҳбатдошимиз. — Хусусан, хотин-қизларни оилавий бизнесга ўргатиш ва тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан боғлиқ 200 га яқин тadbирда минглаб опа-сингилларимиз қатнашиб, ўз билим ва малакаларини оширдилар. Сафимиздаги хотин-қизлар сони эса 300 нафарга ортди. Айниқса, «Тadbиркорлик таълимлари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳаси ва унинг мантиқий давоми бўлган «Оилавий тadbиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳалари доирасида ўтказилган тadbирларда юзлаб хотин-қизларга ўз бизнесларини бошлаши учун имконият яратилди.

— «Аёллар қаноти» қошида ташкил этилган «Дийдор» сайёр клуби фаолиятига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ушбу клуб О'zLiDePнинг вилоятимиздаги сиёсий етув, тadbиркор ва ташкилотчи аъзоларидан ташкил топган. Сафимиздаги фаол хотин-қизларнинг йил бошидан қатъий режа асосида, барча туман (шаҳар) кенгашида сайёр йиғилишлар ташкил этиб, маҳаллий шароит ва имкониятларни ўрганган ҳолда намунавий томорқалар ташкил этиш ғоясини илпери сургани аёлларимизни тadbиркорликка жалб этиш имкониятини янада оширди.

Чекка қишлоқларда тadbиркорлик билан шуғулланаётган ва шу соҳада ўз фаолиятини бошлаш истагидаги хотин-қизларни бизнес-режа тузиш, молиявий ҳисоб-китоб юритиш, замонавий маркетинг, кредит олиш тартиблари билан таништириш учун махсус гуруҳ ташкил этилган. Унинг ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида оилавий бюджетни шакллантириш, йиллик таҳлил ўтказиш, ойлик харажатларни бошқариш, молиявий режалаштиришни мукамаллаштиришга ўргатувчи «Менинг оилавий бюджет китобчам» номли кундалик дафтарлар тарқатилди. Шунингдек, уларнинг омонатларини банкларда жамғариш ҳамда тadbиркорликка йўналтириш бўйича «Ўз кўрсаткичинингизни белгилаб олинг» номли ўқув-семинарлар ўтказилиб, бошловчи тadbиркорларга яқиндан кўмак берилди.

— «Обод турмуш йили»да «Аёллар қаноти» томонидан қан-



О'ZLIDER УСТАВИДАН

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятдаги роли ва мавқеини кучайтириш бўйича ҳамда ёшларнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокчини кенгайтиришга қаратилган партия сиёсатини амалга ошириш, етакчилик сифатларига эга бўлган ва партия ғояларига хайрихоҳлик билдирган аёллар ва ёшлар вакиллари партия сафига жалб қилиш, улар орасидан кадрлар захирасини тайёрлаш О'zLiDePнинг асосий мақсад ва вазифаларидан биридир.

дай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?

— Янги йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган йортимиздаги ҳар бир оиланда соғлом муҳит, обод ва фаровон турмуш тарзини яратиш йўлидаги эзу ишларни изчиллик билан давом эттиришни тақозо этади, албатта. Бу, ўз навбатида, аёллар манфаатини ҳимоя қилувчи ташкилотлар қатори, О'zLiDeP «Аёллар қаноти» зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Қолаверса, хотин-қизларимизни амалий ишларга сафарбар этиш, уларнинг сиёсий-иқтисодий билимларини ошириш, тadbиркорлик йўналишидаги иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш бош вазифамиз ҳисобланади.

Сафимиздаги опа-сингилларимиз орасида ишбилармон сифатида кўпчиликка ўрнак бўла оладиган, тadbиркорликка лаё-

қатли хотин-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш имкониятига эга фаолларимиз кўпчилики йўналишидаги фаолиятимизни жонлантириш билан бирга, барча ёшдаги хотин-қизлар билан янада яқиндан алоқа ўрнатишда қўл келмоқда. Масалан, ўтган «Мустақкам оила йили»да «Хунарманд аёл» ассоциацияси, «Истиқболли авлод», «Қалб нури» ННТлари билан ҳамкорликдаги «Оилавий бизнесни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 128 нафар хотин-қиз тикиш-бичиш, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш ва компьютер курсларида бепул ўқитилган. Флористлар ассоциацияси билан биргаликда 32 нафар аёлни уй меҳнатига жалб қилдик. «Истиқболли авлод» нодавлари нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда эса одам савдоси, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйганимиз ҳам яхши самара берди.

Мухтасар қилиб айтганда, О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини йўналишидаги лойиҳаларимизни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Асосий кучимиз эса ҳар доимгидек аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган.

Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ ва бошқа но-

давлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги сайёҳаракатларимиз эса ижтимоий шерикчилик йўналишидаги фаолиятимизни жонлантириш билан бирга, барча ёшдаги хотин-қизлар билан янада яқиндан алоқа ўрнатишда қўл келмоқда. Масалан, ўтган «Мустақкам оила йили»да «Хунарманд аёл» ассоциацияси, «Истиқболли авлод», «Қалб нури» ННТлари билан ҳамкорликдаги «Оилавий бизнесни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 128 нафар хотин-қиз тикиш-бичиш, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш ва компьютер курсларида бепул ўқитилган. Флористлар ассоциацияси билан биргаликда 32 нафар аёлни уй меҳнатига жалб қилдик. «Истиқболли авлод» нодавлари нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда эса одам савдоси, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга қарши тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйганимиз ҳам яхши самара берди.

Мухтасар қилиб айтганда, О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини йўналишидаги лойиҳаларимизни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Асосий кучимиз эса ҳар доимгидек аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган.

Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ ва бошқа но-

Наргиза КАҲҲОРОВА
суҳбатлашди.

Қонун оилавий бизнесга кенг йўл очмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР ТУФАЙЛИ ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Дониёр ПАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари

2012 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган «Оилавий тadbиркорлик тўғрисида»ги қонун ана шу жараёни янада ривожлантириш имконини берди.

Таъкидлаш жоиз: мазкур қонунда оилавий тadbиркорлик юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Юридик шахс ташкил этган оилавий тadbиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий қорхона, деб юритилди. Оилавий қорхона иштирокчилари — оила бошлиғи, унинг турмуш ўртоғи, болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилияти ёшга тулган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), тунишган ҳамда ўтай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тога ва амаки ҳамда амама ва холалари) оилавий қорхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Оилавий қорхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиб, унга қорхонанинг барча вакиллари бир овоздан ўз номларидан иш юритиш ҳуқуқини беради. Оилавий қорхонанинг устав фонди қорхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган саналаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмашлиги керак.

Оилавий қорхона кичик тadbиркорлик субъектлари учун назарда тутилган солдалаштирилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган саналаги эътибор юридик шахс мақомига эга бўлади. Оилавий қорхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тadbиркорлик субъектлари ҳодимларининг

қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Иштирокчиларнинг энг кам сони эса икки кишидан оз бўлмашлиги лозим.

Эътиборлиси, оилавий қорхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар-жойларни улардан оилавий қорхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди.

Таъкидлаш жоизки, оилавий қорхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини у ишлаб чиқарилган жойда сотиши мумкин. Энг муҳими, оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда тadbиркорлик билан шуғулланса, ишлаб чиқариш давомида коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, каналлация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади.

Оилавий қорхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчиси ҳисобланиб, уларга кичик тadbиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқ имтиёзла-

ри, преференциялар ва қоғозлар тағбиқ этилади. Оилавий қорхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тулгангандан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий қорхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бандий хунарманчилиги ва амалий фаолиятида фойдаланиш реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озол қилинади.

Қонунга кўра, оилавий қорхонанинг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади. Янги ташкил этилган оилавий қорхонанинг молия-ҳўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган пайлан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, оилавий тadbиркорлик бу — оила аъзолари томонидан ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга оширилаётган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, унинг ривожланиши турмуш фаровонлиги юксалишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.



КАШКАДАРЁ.

Халқ депутатлари Қосон туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида ўтган йили амалга оширилган ишлар атрофида таҳлил этилди. Таъкидланганидек, айни пайтда туманда партиядан номзоди кўрсатилган 5 нафар халқ депутатлари туман кенгаши ҳамда 1 нафар вилоят кенгаши депутати фаолият юритмоқда. Аммо ўтган йили депутатлик гуруҳи томонидан туман кенгаши сессиясига бирорта ҳам масала кўриштирилгани, бу борада суҳбатчиликка йўл қўйилганлиги афсусланарли ҳолдир.

Тadbирда ана шулар хусусида фикр юритилиб, депутатлик гуруҳининг 2013 йилдаги устувор вазифалари белгилаб олинди. Жумладан, ёшларни тadbиркорликка йўналтириш, маҳаллий саноатни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, сайловчиларнинг муносабатларига ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлиш ва уларнинг мақбул ечимларини топиш депутатлардан алоҳида масъулият талаб этиши таъкидланди.

СИРДАРЁ.

Вилоят ҳокимлигида О'zLiDeP вилоят кенгаши билан ҳамкорликда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга микрокредитлар ажратиш, жойларда маҳаллий хунарманчилик, биринчи навбатда, тикувчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутасадди раҳбарлар ва тadbиркор хотин-қизлар иштирок этишди.

Йиғилишида аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, хусусан, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш, тadbиркорликни бошлаш ва бошламоқчи бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бу борадаги муаммоларни ҳал этиш, ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш хусусида сўз юритилди.

Эътироф этилганидек, тadbиркор хотин-қизларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустақкамлаш айти кундаги муҳим вазифалардан биридир. Бу сиёсий партиялар, айниқса, О'zLiDeP зиммасига катта масъулият юклайди, албатта. Партиянинг Сайловлини дастурида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида бандлик даражасини ошириш, касбий, маънавий ва интеллектуал ўсишларига кўмаклашиш, меҳнат шaroитларини яхшилаш масалаларига кенг ўрин ажратилганлиги ҳам бежиз эмас.

Тadbирда аёллар тadbиркорлигини ривожлантириш ҳозирги ислоҳотлар жараёнида алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди, яқин келажакдаги режалар белгилаб олинди.

Реклама ўрнида



Носир ТОШЕВ,
«XXI ASR»

Хусусан, жойларда томорқа ҳўжалигини ривожлантиришда «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ҳам тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг шахсий ва дала томорқалари учун зарур бўлган мевали дарахт ва ток кўчатлари, турли хилдаги полиз ва сабзавот экинлари уруғларига бўлган эҳтиёжини қондиришда алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Буннинг учун вилоятдаги ҳар бир туман ва шаҳар, маҳалла фуқаролар йиғинларига банкнинг махсус вакиллари бириктирилиб, улар аҳолига яқиндан ёрдам беришапти.

Маълум бўлишича, ҳозирги кунда вилоят ҳудудиди 129 та ҚФЙ, 512 277 та хонадон бўлиб, аҳоли ўртасида олиб борилаётган мулоқотлар давомида 53154 гектар майдон учун мевали дарахт ва ток кўчатлари, полиз ва сабзавот экинлари уруғларига эҳтиёж сезилаётганлиги аниқланди. Шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш эса қўшимча даромад олиш, озиқ-овқат

Деҳқонларнинг энг яқин кўмакдоши

ЮРТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАН РЕАЛ НАТИЖАЛАР БЕРМОҚДА

мўл-кўллигини таъминлаш имконини беринчи шубҳасиздир. Бу амалий тажрибадан яхши маълум.

Банк томонидан аҳолининг кўчат, уруғ ва минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун қўллаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўз маблағи етарли бўлмаган кишиларга молиявий кўмак берилаётир. Ўтган йилнинг ўзида мевали дарахт кўчатлари учун 201,3 млн. сўм, ток кўчатлари учун 154,5 млн. сўм, сабзавот уруғлари сотиб олиш мақсадида 367,3 млн. сўм, полиз экинлари учун 48,7 млн. сўм, картошка уруғи хариди учун 962 млн. сўм миқдоринда имтиёзли кредитлар ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

— Биз асосий даромаднинг томорқадан оламиз, — дейди Нарпай туманининг Беклар қишлоғида истиқомат қилувчи Усмон Номозов. — 10 сотихли шахсий томорқамизга «Агробанк» ОАТБнинг Оқтош филиали томонидан етказиб берилган сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, иссиқхонамизга эса бодринг уруғларини эккан эдик. Ҳозиргача 750 кг. маҳсулотни бозорга чиқардик.

Бундан ташқари, плёнка остига экилган редиска, кашнич ва бошқа кўчатлар ҳам етилиб қолди. Баҳорда ҳосилдан бўшаган майдонларга яна ишлов берилиб, эртапи-

шар картошка ва сабзи экинлари уруғи қалади. Бу борада, шубҳасиз, яна банк кўмагига таянамиз. Натияжада шахсий томорқадан йилга камиди 2-3 марта ҳосил олиб, ўртача 6-7 млн. сўм даромад қилаймиз. Фарзандларимиз ҳам бизнинг йўлимиздан бориб, рўзгорларини обод қилишапти. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир оилادا ердан унумли фойдаланиш маданияти шаклланаётганлиги эътиборга моликдир.

Аҳолининг кўчат ва уруғликларга бўлган талабини қондириш, уларни марказлашган тартибда етказиб бериш мақсадида «Агробанк»нинг ҳар бир туман филиали қошида махсус дўконлар ҳамда 59 та кўча дўкон ташкил этилган бўлиб, улар малакали ходимлар, тўлов терминаллари, сара уруғликлар ва иш анжумлари билан таъминланган. Бу борада вилоятдаги «Сабзавот нав уруғлари» МЧЖ, вилоят ўрмон ҳўжалиги ҳамда Р.Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий-текшириш институтининг Самарқанд филиали билан яқин ҳамкорлик ўрнатилганлиги ўз самарасини бермоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш айти кундаги долзарб масалалардан бири саналади. Айниқса, банк филиаллари томонидан ажратилган

кредитлар ҳисобига янги қорхоналар сони кўпайиб, қишлоқ жойларида бандлик даражаси охиб бораётганлиги таҳсинага лойиқдир. 2013 йил февраль ҳолатига якка тартибдаги тadbиркорлар, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳамда кичик бизнес субъектларига 3 млрд. 198 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 450 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, Президентимизнинг «Нозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариши раббатлантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 41 нафар мижоз банкнинг молиявий кўмаги билан янги мулкдорга айланди. Мисол учун, банкнинг Уругт филиали мижози «Анварбек Шероз» МЧЖга пластмасса қўтилар ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олиш учун 150 млн. сўм сармоя ажратилган эди. Бунинг эвазига яна бир қорхонага асос солиниди ва 16 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Қисқа қилиб айтганда, «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банкнинг Самарқанд вилоят бошқармаси жамоаси изланиш йўлидан бориб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса кўшмоқда. Бунинг амалий натижасини юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.



СИРДАРЁ

«Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш имкониятлари». Бойвут туманидаги «Нуроний» бошланғич партия ташкилотиди бўлиб ўтган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.



ТОШКЕНТ ШАХРИ

O'zLiDeP Чилонзор туман кенгаши тизимидаги БПТ фаоллари томонидан ташкил этилган тадбирда кичик бизнес субъектларининг давлат тузилмалари билан ҳамкорлиги, бу борадаги муаммолар муҳокама қилинди.



ФАРФОНА

Риштон тумани Фермерлар кенгаши қошидаги БПТда «Фермерлик: устувор вазифалар, ёндашувлар, мавжуд муаммолар ва ечимлар» мавзусида очик мулоқот ташкил этилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

2013 йил 21 февраль, пайшанба, 07 (483)-сон

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Қуйи бўғин ўз Ваколатларидан фойдаланиши керак

O'ZLIDERNING 2013 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
XXI ASR

Наманган вилоятидаги 701 та бошланғич ташкилот ҳам 11139 нафар партия аъзоси орқали ана шу муҳим ҳужжат ижросини таъминлашга киришди. Айни пайтда БПТ етакчиларининг 345 нафарини аёллар ташкил этмоқда.

— Барча БПТларимиз партия Дастури, Устави, қолаверса, сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик талаблари асосида Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширмоқдалар, — дейди вилоят кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Ирода Камолова. — Бу жараёнда қуйи бўғин раисининг етакчилиги қобилияти, тажрибаси ва сиёсий-ҳуқуқий билимлари муҳим ҳисобланади. Қолаверса, буларда қуйи бўғинлар ишига халал бераётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш долзарб ҳисобланади. Яқинда бошланган ҳисобот-сайлов йиғинида қуйи бўғин раисининг етакчилиги қобилияти, тажрибаси ва сиёсий-ҳуқуқий билимлари муҳим ҳисобланади. Қолаверса, буларда қуйи бўғинлар ишига халал бераётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш долзарб ҳисобланади. Яқинда бошланган ҳисобот-сайлов йиғинида қуйи бўғин раисининг етакчилиги қобилияти, тажрибаси ва сиёсий-ҳуқуқий билимлари муҳим ҳисобланади.

Кези келганда, Намангандаги БПТлар фаолиятида электрорат билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ҳаракат дастуридан ўрин эгаллаган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, қуйи бўғин фаоллари аҳоли орасида партия мақсад ва вазифалари ҳамда либерал-демократик гояларни кенг ёйиш бораборида, қонунчилигимиздаги янгиликлар, электрорат учун яратилаётган қўшимча имконият ва имтиёزلарнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга, давлат ва ҳудудий дастурлар ижросини назорат қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Масалан, йил бошидан бўён ўтказилган тадбирларда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил янунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғинида Президентимиз маърузаси кенг жамоатчилишни жалб этган ҳолда чуқур ўрганилиб, ундаги энг устувор йўналишлар мутахассислар ёрдамида шарҳлаб берилди. Бунидан ташқари, «Фуқаролик жамиятида O'zLiDePнинг устувор вазифалари», «Миллий ўзлигини англаш ва ёшларни оғоҳликка даъват этиш», «Баркамол авлод шаклланишида ўрта махсус таълимнинг аҳамияти ва зарурати», «Тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш — иқтисодий ривожланиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш омиллари», «Оилавий бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари», «Либерализм гояси: хорижий ва миллий таъриба», «Обод турмуш йили»да O'zLiDePнинг устувор вазифалари ва унда БПТларнинг ўрни ва роли» каби мавзулардаги давра суҳбати, очик мулоқот ва учрашувларда минглаб электрорат вакилларининг иштироки таъминланди. Бу эса Ҳаракат дастурида қайд этилган масалалар моҳиятини чуқурроқ англаш имконини берапти.

Бундай тадбирларни ташкил этишда кардиология маркази қошидаги БПТ фаоллари кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Қарийб 100 нафар аъзони бирлаштирган ушбу қуйи бўғинга халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгаши депутати, Олий Мажлис Сенати аъзоси Солихон Мўминов



етакчилик қилмоқда. Мазкур БПТда ўтказилаётган тадбирларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилади.

— O'zLiDeP Дастурида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш борасида ҳам тегишли вазифалар белгилаб олинган, — дейди Солихон Мўминов. — Жумладан, O'zLiDeP инсон саломадлиги, ҳозирги давр тиббиётининг янги ютуқларига таянган ҳолда дунёда илгор ўринларга интилаётган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ривожини, оналик ва болаликни ҳимоялаш, умр узоклигини таъминлаш йўлида мунтазам кураш олиб боришини эълон қилган. Бу курашда партия, табиийки, тиббиёт муассасалари қошида тузилган бошланғич ташкилотлар ёрдамига таянади. Аммо БПТларнинг партиявий-сиёсий фаолияти қониқарсиз ташкил этилса, O'zLiDeP Устави ва Дастури талабларига жавоб бермаса, партиянинг ушбу йўналишдаги ҳеч бир саъй-ҳаракати самара бермайди.

Наманган туман Давлат солиқ инспекцияси қошидаги БПТда эса 42 нафар партия аъзоси бор. Бу ерда, асосан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва солиқ тўлашдаги имтиёزلар, хусусий тадбиркорлик субъектлари тараққиётига ҳов бўлаётган муаммоларни бартараф этишга оид масалалар кенг муҳокама қилинмоқда.

O'ZLIDER USTAVIDAN

Бошланғич ташкилот партиянинг асосий бўғини, пойдеворидир. Бошланғич ташкилот аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита алоқада иш юритиш ва уларга таъсир кўрсатиш имконига эга бўлган партиянинг қуйи тузилмасидир.

— Хусусий сектор вакиллари билан ишловчи барча тузилмалар қатори солиқчилар ҳам тадбиркорнинг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчисига айланиши лозим, — дейди БПТ етакчиси С. Сотиболдиева. — Шу боис аҳоли, хусусан, тадбиркор ва фермерлар билан учрашувларда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, ҳисоботларни топириш ва рўйхатдан ўтишдаги имтиёزلар ҳақида кенг тушунчалар бериш ҳаракат қилаёلمиз. Тадбирлар жараёнида фаол қатнашган партия аъзоларини эса O'zLiDeP раҳбар кадрлар захирасига олаёلمиз.

Наманган шаҳридаги «Бандликка кўмаклаш» ва «Саббос сарбон» ўқув маркази, Косонсой туман марказий шифохонаси, «Чорбоғ» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги БПТлар бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва солиқ тўлашдаги имтиёزلар, хусусий тадбиркорлик субъектлари тараққиётига ҳов бўлаётган муаммоларни бартараф этишга оид масалалар кенг муҳокама қилинмоқда.

Таъкидлаш керакки, Намангандаги БПТларда нодавлат но-тижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЕИҲ

билан ҳамкорликдаги ишлар янада кўпроқ аҳоли қатламларини қамраб олиш имконини бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, Наманган вилоятида қуйи бўғинлар фаолиятига юқори эътибор қаратилмоқда. Лекин вилоятдаги маслақдошларимиз фаолиятидаги айрим камчиликлар масъулият ва ташаббускорликни янада оширишни тақозо этмоқда. Масалан, вилоят кенгаши мутасаддилари томонидан Норин, Чортоқ ва Мингбулоқ туманларида БПТлар ишини йўлга қўйиш, улар фаолиятини кучайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги таъкидлана-япти. Айнан ана шу ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам айрим муаммолар сақланиб қолаётгани тилга олинмоқда. Бундай шароитда партия аъзолари ва хайрихоҳлари масалага жиддий ёндашиб, уларни жойида бартараф этиш учун ўз ваколат ва имкониятларидан тўлароқ фойдалансалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Булунғурликлар узоғини яқин қилаётганлар

O'ZLIDER SAMARQAND VILOYAT KENGAHI MUTASADDILARINING FIKRICHA, AYNI PAITDA HUDUDDA 19147 NAFAH PARTIYA A'ZOSINI BIRLASHTIRGAN 766 TA BOSHLAN'GICH TASHKILOT B'ULIB, ULAR PARTIYANING FOYA VA MAQSADLARINI TARFIH ETISHDA ASOSIY KUCHGA AYLANMOQDA

Муҳаббат РАВШАНОВА,
XXI ASR

— Партия аъзоларининг кўпайиши жойларда либерал-демократик гояларни қўллаб-қувватловчилар сони ортиб бораётганини ҳам кўрсатмоқда, — дейди вилоят кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш гуруҳи раҳбари Насиба Мўминова. — Хусусан, 2012 йилда биргина Булунғур туманида аъзоларимиз эллик нафарга кўпайди. Ўз партиявий фаолияти билан бошқаларга намуна бўлаётган БПТлар орасида «Булунғур-равтойўловчигитранс» МЧЖ қошидаги қуйи бўғин номи-ни алоҳида тила олиш мумкин.

— Ишчи-хизматчиларимизнинг сиёсий фаолиятга қизиқишлари юқорилиги боис аъзоларимиз сони тез кўпайди, — дейди корхона директори, бошланғич ташкилот етакчиси Алижон Аҳмедов. — Ҳозир улар сони 50 дан ошди. Ўтган йили корхонада турли мавзуларга бағишланган 39 та партиявий тадбир ўтказилган бўлса, унинг 11 таси айлан бошланғич ташкилот аъзолари ташаббуси билан ташкил этилди.

Жумладан, тумандаги фермер хўжаликларидида ўтказилган давра суҳбатлари ва семинарларда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушуни-тириш мақсадида ташкил этилган тадбирларда кўп йиллик турмуш таърибасига эга инсонлар истиқдол давригача бўлган ҳолатни турмушнинг бугунги ҳаёти билан қиёслаб, ҳикоя қилиб бердилар.

Шу ўринда йил давомидаги тадбирлар якунида



ўттиздан ортиқ ташаббускор ёшлар кадрлар захирасига олинганини ҳам таъкидлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу қуйи бўғин тумандаги энг фаол ва ташаббускор жамоалар қаторига бежиз киритил-лаётгани йўқ. Бандлик масаласи, айнакча, аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб этиш учун амалдаги қонунлар, Президент фармони ва қарорлари моҳиятини изчил тарғиб этаётган БПТ аъзолари ишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Партиявий фаолият МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичларига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Боиси, 200 дан зиёд ходимнинг партиявий топириқларни ўз вақтида адо этиши, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги ошиб бораётгани бевосита касбий фаолиятда ҳам яхши самара берапти. Яқинда ушбу корхона ходимлари аҳолига арзон, хавфсиз ва қўлай транспорт хизмати кўрсатиш учун 15 та «Isuzu» русумли автобус сотиб олиб, туман марказидан Самарқанд шаҳригача бўлган масофани яқин қила

бошладилар. Ташкилот етак-чисининг интилиши, қола-верса, партия аъзоларининг қўллаб-қувватлаши натижа-сида тумандаги Увайсий кўча-сидаги қаровези ҳудуд тозала-ниб, қатор қўлайликларга эга шинам шўхбекат барпо этил-ди. Айни пайтда замонавий талабларга жавоб берадиган бу манзилда йўловчилар учун барча шароитлар яратилган. Оналар ва болалар хонаси, сартарошхона, автомашина-лар ювиш хизмати йўлга қўйилди. Корхона, қолаверса, бошланғич ташкилот ютуқ-ларига партия аъзолари бир-лек хисса қўшмоқдалар. Бах-тир Норкулов, Норкул Эшимов, Ирода Норматова каби фаолларнинг таъкид-лашларича, яқин кунларда яна ўнга автобус сотиб оли-ниб, туман маркази узоқ қиш-лоқлар билан боғланади.

Шуни ишонч билан ай-тиш мумкинки, партия фа-олларининг аҳолига қўлай-лик яратиш, улар узоғини яқин қилиш йўлидаги хиз-матлари фаровонлик ва та-раққиётга стакловчи яна бир кўприкка айланапти.

ХАБАРЛАР

«ЁШЛАР ҚАНОТИ» — ТАДБИРКОР ЁШЛАР ТАЯНЧИ

O'zLiDeP Бухоро туман кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбати шундай номланди. Тадбир Президентимизнинг «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номили маърузаси моҳиятини ўрганишга бағишланди. Унда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида «Обод турмуш йили»да туманда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида сўз борди. Партия барча бўғинлари иш фаолиятини давр талаблари даражасида ташкил этиш — биринчи галдаги вазифа экани, бу борада «Ёшлар қаноти» зиммасида ҳам катта масъулият борлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш борасида Бухоро туманида муайян натижаларга эришилаётгани, ёш ишбилармонлар ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда муваффақиятли фаолият юритишга тўғриси қайд этилди.

Ахбор ИСТАМОВ тайёрлади.

КОРАКАЛПОГИСТОН: «Аёллар қаноти»нинг Турткўл туманидаги «Туркистон» ОФЙда бўлиб ўтган йиғиниши ёшлар, хусусан, қизларни касб-хунарга йўналтиришга бағишланди.

«Баркамол авлод тарбиясида касба йўналтиришнинг илмий-амалий масалалари» мавзусида ташкил этилган учрашулда, шунингдек, қизлар ўртасида зарарли ишларга қарши кураш, қариндошлар ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ: Жарқўрғон туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан Алишер Навоий номили маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган давра суҳбати «Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари; маҳаллий ва хорижий таърибани ўрганиш ва оммалаштириш» мавзусига бағишланди. Йиғинида хотин-қизлар ўртасида ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, уларни сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш масалалари кўриб чиқилди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ: O'zLiDeP Наманган вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» фаолларининг Чуст туманидаги йиғинишида Президентимиз Ислам Каримовнинг «Инсон

манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» ҳамда «Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш» номили маърузаларининг мазмун-моҳияти ўрганилди.

Тадбирда маърузалар моҳиятидан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш учун аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда улар ижросини таъминлаш масаласига асосий эътибор қаратилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ: O'zLiDeP Шовот туман кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Буйрачи» қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган йиғинида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ишлари муҳокама қилинди. Буйрачилик хотин-қизларнинг бу борадаги ҳуқуқий билимларини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаши юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар берилган тадбирда, шунингдек, аҳолининг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этиши таъкидлаб ўтилди.

Наргиза ҚАҲҚОРОВА тайёрлади.

Реклама ўрнида



Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга — бирламчи эътибор

МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИ ВА МАВҚЕИНИ ТОБОРА МУСТАҲҚАМЛАЁТГАН «МИКРОКРЕДИТБАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ KEYINGИ ЙИЛЛАРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР, АЙНИҚСА, ОЛИС ТУМАН ВА ҚИШЛОҚЛАРДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ, УЛАРНИНГ БИЛИМ ҲАМДА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТМОҚДА

Мусурмон РЎЗИЕВ,
«XXI ASR»

Зеро, опа-сингилларимизнинг иқтисодий саводхонлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. «Обод турмуш йили»да мазкур банк Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан имзоланган қўшма қарорга мувофиқ Жиззах вилоятининг Фориш ва Янги-обод, Сирдарё вилоятининг Сардоба ҳамда Ховос туманларидаги бир қатор олис қишлоқларида «Агар аёл тадбиркор бўлса...» лойиҳаси доирасида ўқув-семинарлар ўтказди.

Худди шунга ўхшаш тадбирлар Навоий вилоятининг Навоҳор ва Нурота туманларидаги чекка қишлоқларда ҳам ташкил этилди. Ана шу жараёнда халқимиз турмуш шaroитини янада яхшилаш, жойлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳамжиҳатликда ҳал қилиш, бу борада яратилган шарт-шaroит, имтиёзлардан унумли фойдаланиш, жумладан, оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Узаро ҳамкорлик, албатта, қутилган самарани бермоқда. Мижозлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам эътиборга моликдир. Жумладан, яқинда Жиззах вилоятининг Янгиобод туманида истиқомат қилувчи Дилфуза Исмоиловага тикувчиликни йўлга қўйиш учун 4,5 млн. сўмлик микрокредит ажратилди.

Таъкидлаш жоизки,



шубу молия муассасаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини ривожлантириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш масалалари юзасидан жорий йилнинг биринчи чораги давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг меҳнат ресурслари юқори бўлган ҳудудларида бир қатор семинарлар ўтказишни режалаштирган.

Бу, албатта, ҳар икки томон учун муҳим ва фойдалидир. Умуман, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ўтган қисқа давр мобайнида кам фоизли микросармоялари билан аёл тадбиркорларимизнинг тўла ишончини қозонди ва уларнинг яқин ҳамкорига айланди, десак хато бўлмайди. Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбир-

қўлаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эса соҳа ривожини учун янада кенг имкониятлар яратди.

Бугун банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояни шакллантириш учун ажратилган микрокредитлар йилига 3 фоизни, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларини тўлдириш мақсадида берилган кредитлар йилига 6 фоизни ҳамда корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш учун кўрсатилган микролизинг хизматларининг фоиз ставкаси йилига 5 фоизни ташкил этмоқда. Бу, шубҳасиз, тадбиркор аёллар учун ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда катта аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда банк томонидан ўтган «Мустаҳкам оила

йили»да хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 6691 аёлга 42 млрд. 986 млн. сўмлик кредит ажратилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг асосийси, бунинг эвазига 18 минг 660 дан зиёд аёл доимий иш ўрнига эга бўлди. Юқоридаги рақамларни банкнинг биргана Жиззах вилоят филиали мисолида таҳлил қилсак, ажратилган микросармоялар ҳажми 2 млрд. 834 млн. сўмни, яратилган иш ўринлари эса 1602 тани ташкил этганига гувоҳ бўламиз.

Қисқа қилиб айтганда, «Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки сармоялари мамлакатимиз иқтисодийетини ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган. Бу боралдаги изланишлар, саъй-ҳаракатлар жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Реклама ўрнида



«НАУДА!»ни таклиф этаяпти

2013 ЙИЛИНИНГ ФЕВРАЛЬ ОЙИДАН БОШЛАБ «UNIVERSAL BANK» ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА МАСОФАДАН ТУРИБ ХИЗМАТ КўРСАТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛИ — «НАУДА!» ИНТЕРНЕТ-БАНКИНГ ХИЗМАТИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Шаҳзода НАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Бугун бирон бир соҳани замонавий технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, банк-молия тизимида уларнинг ўрни тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, замонавий ахборот технологияларининг тижорат банкларида дунё молия андозалари даражасида тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш имконини бераётгани эътиборга моликдир.

Бу борада «Universal bank» хусусий очик акциядорлик-тижорат банкида ҳам самарали изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, интернет-банкнинг хизмати қатор қулайликларини ўз ичига олган бўлиб, эндиликда мижозлар мобил телефонга пул тўлаш, рақамли телевидение харажатларини қоплаш билан боғлиқ функцияларни масофадан туриб амалга ошириш имконига эга бўлишлар.

Дарҳақиқат, замоннинг ўзи молия муассасаларидан ана шундай тез ва фаол ишлашни талаб этмоқда. Қолаверса, молия бозоридagi кучли рақобат муҳитини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Шу маънода, интернет-банкнинг каби янги хизмат турларининг ҳаётимизга кириб келаётгани

ни айни муддаодир. «Universal bank» томонидан тақдим этилган «НАУДА!» интернет-банкнинг ҳам мижозлар мушқулини осон, узоғини яқин қила бошлади. Банк мутахассисларининг фикрича, мазкур хизмат орқали инсталланган вақтдан уйдан ёки офисдан туриб, мобил-интернет ва бошқа мақсадларга мўлжалланган тўловларни қисқа фурсатда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун мижоз томонидан банк шахсий ҳисоб рақами очилса бас.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, «НАУДА!» интернет-банкнинг хизматининг яна бир афзаллиги томони бор. Яъни, бу хизматдан фойдаланаётган мижоз ўз ҳамкорлари, дўсти ёки яқин кишига мазкур хизмат турини тавсия қилса, мижоз банк томонидан 12 минг сўм миқдорига мукофот пули билан тақдирланади. Бу ҳам тарғиботнинг бир усулидир. Кўриниб турибдики, янги хизмат тури орқича сарсонгарчиликларга ҳожат қолдирмайди. Шу боис у қулайлик турмушимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда.

Умуман, мижозларга тезкор ва замонавий хизмат кўрсатиш «Universal bank» жамоасининг эзгу мақсадларидандир. Шунинг учун мамлакатимиз молия бозорига мазкур муассасанинг мақседи тобора ошиб бораёпти. Зеро,



банк мутасаддилари жорий йилда мини-банклар тармоғини янада кенгайтириш, пул-кредит муносабатларини эса изчил такомиллаштиришни кўзда тутмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БўЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲОЯЛАРИ БўЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Фонд томонидан лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга ошириладиган республика тижорат банклари томонидан молиялаштиришига кўмаклашилади.

Танлов қўйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган санаят корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш. Танловга инвестицион жозибдорликка ва санаят соҳасида таъбиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.fpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқаришни молиялаштириш юзасидан танловда қатнашиш учун
БҮЮРТМАНОМА

- _____ (ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
- _____ (тақдим этилаётган ғоявий лойиҳанинг тўлиқ номи)
- _____ (Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

- Лойиҳанинг номи;
- Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларининг, экспорт ва бошқаларининг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
- Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
- Лойиҳани амалга оширишдан қўйидаги маълумотлар: экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар; умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар салоҳияти.
- Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
 1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятини баҳолаш; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоли.
 2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоли; зарур бўладиган ходимлар сони.
 3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
 4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
 5. Лойиҳани амалга оширишдан қўйидаги маълумотлар: қўйидаги йиллик тушум ва соф фойда; экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг
ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишла банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

Халқаро ҳаёт

Эпидемия

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ДУНЁ МИҚЁСИДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ҚОТИЛЛИКЛАРНИНГ 70, БЕЗОРИЛИКЛАРНИНГ ЭСА 80-90 ФОИЗИ СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ОҚИБАТИДА РЎЙ БЕРАЯПТИ

Ахбар МУЗАФФАРОВ,
XXI ASR

Ичкиликбозлик билан боғлиқ касалликлар ва шикастланган оқибатида эса ҳар йили 2,5 миллиондан ортиқ киши ҳаётдан кўз юммоқда. Зеро, бу кўрсаткич кейинги ўн йилда сезиларли даражада ошган. Аллақачон эпидемия тусини олган ана шу иллат туфайли дунёнинг бир қатор мамлакатларида катта маънавий таназзул юз бераётгани, миллий қадриятлар, ахлоқ-оодоб, оила ва жамият ҳаёти жиддий хавф остида қолаётганига ҳам қўллаб-қувватлов келтириш мумкин.

Тан олиш керак: кейинги пайтда алкоғолизм ҳам XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Натижада нафақат жамият, балки ўсиб келаётган навқирон авлод ва бўлажак оналар кўпроқ жабр кўра бошладилар.

Маълумки, БМТ маълумотларида спиртли ичимликлар психотроп воситалар қаторига киритилган. Унинг инсон пуштига салбий, яъни мутаген таъсири оқибатида турли нуқсонли ҳамда оғир даражали ноғирон болалар туғилиши кўп кузатилмоқда. 2007 йилдаги маълумотларга қараганда, Буюк Британияда ҳар йили 22 минг киши ароқхўрлик сабаб ҳаётдан кўз юмган. Яна 150 мингдан ортиқ киши хасталик ёки кўнгилсиз воқеа туфайли касалликка чалинган. Шу ўринда ичкилик сабаб қарақлик ва турли хасталиклар натижасида бир йилда 17 миллион иш куни йўқотилиб, иш бевувилар салкам 6,5 миллиард фунт-стерлинг миқдорига зарар қўрганларини таъкидлаш мумкин. Ушбу пайтда мутахассислар мазкур муаммони «буюк фожеа» дея баҳолаган эдилар. Чунки бу иллат генофондга таъсир қилиб, наслининг бузилишига ва аҳоли сонининг кескин камайишига ҳам олиб келади.

Хўш, бутунги вазият қандай? Маълумотларга қараганда, Буюк Британияда 2010-2012 йиллар мобайнида 200 мингга яқин киши алкоғолдан заҳарланган. Бундан соғлиқни сақлаш тизими салкам 2,7 млрд. фунт стерлинг молиявий зарар кўрган. Агар вазият шу зайлда давом этса, пиёнисталикдан жабр кўрганларни даволашга 3,7 млрд. фунт стерлинг миқдорига маблағ сарфлашга тўғри келади.

Россияда эса ҳукумат алкоғол ичимликларга давлат монополиясини жорий этиш ва уни жуда жиддий назорат қилишга қанчалик уринмасин, қўзланган самарага эришилмаяпти. Айни пайтда мамлакат оммавий ахборот воситалари ичкиликбозликка муккасидан кетган фуқароларнинг қалбаки ароқдан кўпроқ заҳарланаётганини таъ-

кидламоқдалар. Шу боис ҳукумат спиртли ичимликларнинг ноқонуний тайёрланишига қарши кескин кураш олиб бораётди. Таҳлилчилар айни пайтда мамлакатдаги ҳар бешинчи эркак алкоғолизм қурбонига айланаётганини тилга олмоқдалар. БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси маълумотларига қараганда, аҳвол шу тарзда давом этверса, 140 млн. нафарни ташкил этаётган россияликлар сони 2050 йилга бориб 110 млн.га тушиб қолади.

Соҳа мутасаддилари ичкиликка ружу қўйиш Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам авж олаётганига эътибор қарата бошладилар. Жамиятдаги ўткир муаммолар туфайли Молдавияда ҳам спиртли ичимликлар ичиш кескин ошяпти. Мамлакат қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати вазирлиги маълумотларида ҳар йили аҳоли жон бошига салкам 19 литр тоза спирт ва 10 литр вино тўғри келаётгани қайд этилмоқда. Эстония, Латвия, Литва, Польша ва Чехияда ҳам бу боралдаги кўрсаткичлар мақтанарли даражада эмас. Бу давлатларда спиртли ичимликлар истеъмол қилиш аҳоли жон бошига 14 литрдан тўғри келаяпти. Энг ачинарлиси, мазкур мамлакатларда нафақат эркаклар, балки хотин-қизлар ҳам ароқка ружу қўймоқдалар. Хусусан, Молдавия соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, мамлакатда 50 мингдан зиёд киши ичкиликбозликнинг салбий таъсиридан азият чекаётган бўлса, уларнинг 7 мингдан ортигини аёллар ташкил этмоқда. Эстонияда эса ичувчиларнинг 27 фоизини эркаклар, 13 фоизини аёллар ташкил этаяпти.

Гарчи бундай иллатга қарши изчил кураш олиб борилаётган бўлса-да, у деярли самарасиз кетаётгани афсусланарлидир. Зеро, айрим статистик маълумотларда бутунги кунда дунёда ароқхўрликка муккасидан кетган кишилар сони 150 миллионга яқинлашгани, бундан 5 йил аввал бу рақам 120 миллионни ташкил этгани тилга олинмоқда. Албатта, булар расмий рақамлар, холос.

Ҳозирда жаҳон жамоатчилигини нафақат катта ёшдагилар, балки ўсмирлар орасида ҳам бу иллатнинг кўрқинчли тус олаётгани кўпроқ ўйлантираётди. Бундан тўрт-беш йил аввал Францияда юқори синф ўқувчиларининг 13 фоизи спиртли ичимликлар истеъмол қилган бўлса, бутун бу кўрсаткич янада кўтарилаяпти. Шунинг учун ҳам Франция ҳукумати ўтган йили спиртли ичимликлар истеъмол қилишга қарши янги қарор қабул қилди. Унга қўра, маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган 18 дан 24 ёшгача бўлган ҳайдовчиларга қатъий жазо белгиланди. Таҳлилчилар-

нинг фикрича, Франция кўчаларида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг 40 фоизи айнан маст ҳолда автомобилни бошқариш оқибатида содир бўлмоқда. Украинада ҳам ичувчиларнинг 40 фоизини навақирон ёшдагилар ташкил этаяпти. Айнан шу кўрсаткич океан орти мамлакатга — АҚШда 30 фоизга етган. Турли таҳлилчилар бу борда Украина биринчи ўринга чиқиб олганини кўрсатаётди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ана шу ёшларнинг кўпчилиги асосан телевизорда тинимсиз тарғиб этилаётган ароқ таъсирига гушмоқдалар. Яъни, ёшлар шу мазмундаги рекламалар қурбонига айланаётгани. Айрим маълумотларга қараганда, спирт ишлаб чиқарувчи «Smirnoff» фирмаси ўз маҳсулоти рекламаси учун 1 йилда 250 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфламоқда. Фильмларда машҳур кишиларнинг қўлларида қалаҳ билан пайдо бўлаётгани эса кўп ҳолларда экран қаршида ўтирган ёш қарини ўз оғушига олмоқда.

Ёшлар орасида ароқхўрлик кўлампидан ташвишга тушган Европанинг айрим мамлакатларида бу муаммага қарши ўсмирлар учун комендантлик соатлари жорий этилганини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Масалан, Германияда ёш авлодни ҳимоялаш тўғрисидаги қонунга мувофиқ, 16 ёшгача бўлган болаларнинг кечки соат 22 дан кейин тунги клублар ва рестороанларга бориши қатъийан ман этилади. Мамлакат парламенти вакиллари эса мазкур муаммоларнинг олдини олишнинг яна бир усули мактабни нафақат ўқитадиган, балки тарбияладиган масканга айлантириш кераклигини ва бунинг учун Таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзаро меҳр-муҳаббат ва бирдамликни шакллантиришга чақирган. Шу билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларида зўравонлик ва спиртли ичимликлар рекламасини тақиқлаш ҳам яхши самара бериши таъкидланмоқда. Испания эса ичинини тақиқловчи қонуннинг қабул қилиниши билан ёшлар ўртасида ароқхўрлик кўламини камайтиришга эришгандек бўлди. Дўконларда кечки 22 дан эрталаб 8 гача спиртли ичимликлар савдоси тақиқланди. Ушбу қондан бузганларга 10 минг еврогача жарима тўлаш белгиланди. Аммо, афсуски, бу уринишлар ҳам европадалик ёшларни спиртли ичимликлар ичишдан қайтара олмади. 2009 йил маълумотларида ҳар 100 та ҳолатдан 75 тасида вояга етмаган ўспиринлар спиртли ичимликларни ҳеч қандай тўсиқларсиз сотиб олаётгани кўрсатилмоқда.

Хўш, катталар ва ёшлар ўртасида ичкиликбозликнинг бу қадар кенг тарқалишига нимага сабаб бўлмоқда? Таҳлилчиларнинг фикрича, энг аввало, ота-оналарнинг ўз юмушлари билан бандлиги, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, турли оилавий низолар, ортқиқча бойлик ортиришга ружу қўйиш, боланинг керагидан ортқиқ таъминланганлиги ва мактабларда таълимнинг издан чиқishi ана шу иллатга йўл очмоқда. Албатта, ҳар қандай тарбия болаликлан бошланади. Шундай экан, фақат тарбия ва илмгина ушбу иллатга ишончли ғов бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, муаммо замирида ёшларни тарғиб-интизомга чақирмаслик, болалар ва катталар орасида иззат-ҳурматнинг йўқлиги, айрим мамлакатларда ўқув даргоҳларининг тарбия ўчоғига айланмагани каби оғриқли масалалар борлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.



Аксарият эркаклар 35-40 ёшда юрак инфаркти ва инсультдан кўз юмдилар. Мияга қон қуйилиши, тўсатдан вафот этиш ҳолатларининг 25 фоизи ҳам айнан ҳаддан зиёд кўп спиртли ичимлик истеъмол қилиш билан боғлиқдир. Француз шифокори Дэмме 28 йил мобайнида ота ҳам, она ҳам ичкиликка мубтало бўлган ўнта оилани кузатганини ёздади. Унинг таъкидлаши-

ча, ушбу хонадонларда дунёга келган 57 боланинг 25 нафари ёшга етмасданок нобуд бўлган. 17 нафари эса руҳий жиҳатдан хасталанган, 5 нафарининг бош бий таъсиридан ўсиб келаётган навқирон авлодни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ичкиликбозлик ортидан эргашиб келаётган фожеа ва фалокатлар барча мамлакатлар ва халқлар

ҳаётига доир масала сифатида бутунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Шундай экан, бир ёқалан бош чиқариб, бу иллатнинг салбий таъсиридан ўсиб келаётган навқирон авлодни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР

НОЁБ КЎЗЙОЎНАККА ТАЛАБГОРЛАР КЎП



эркакларга мўлжалланганини ҳам таъкидлаш жоиз.

СОУС БАҲОҶОНА — ДИЙДОР ҒАНИМАТ



рақиблар эски гиналарни унутишганини айтишган.

Афсонавий боксчилар Майк Тайсон ва Эвандер Холлифилд яна бир бор учрашишди. Аммо бу галгиси рингда эмас, балки янги ишлаб чиқарилган соус тақдими пайтида рўй берди. Маълумки, 1997 йилнинг ёзида чемпионлик учун рингда чиққан чарм кўлқоп усталарининг ўзаро жангида Тайсон рақибининг қўлоғидан тишлаб олган ва шундан бери боксчилар ўртасида гина мавжуд эди. Холлифилднинг таъкидлашича, Тайсон ўшандаги хатосини тан олиб, узр сўраган. Соус рекламаси баҳонасида 16 йилдан сўнг тўқнаш келган собиқ рақиблар эски гиналарни унутишганини айтишган.

ПАРРАНДА ГРИШНИ ЯНА ҚАЙТАЯПТИ



500 киши касалхонага тушган ва 300 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Шунингдек, 400 млн. дан зиёд хонаки товуқ ва ўрдақлар вирус оқибатида ўлган.

Германиянинг Атроф-муҳит, саломатлик ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш минтақавий вазирлиги хабар қилишича, Бранденбург провинциясидаги фермада 15 мингга яқин товуқ парранда гриппи вирусига чалиниб, қирилиб кетган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, вируснинг бу кўриниши енгил, аммо у кучайиб кетса, одамлар ҳаётига ҳам хавф солиши мумкин.

Маълумотларга қараганда, 2003-2011 йиллар орасида Бранденбургда H5N1 вируси туфайли 500 киши касалхонага тушган ва 300 га яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Шунингдек, 400 млн. дан зиёд хонаки товуқ ва ўрдақлар вирус оқибатида ўлган.

ҚОРНИНГ ҚАЛИНЛИГИ 1 МЕТРГА ЕТДИ



Айни пайтда Канадада кучли изғирин ва қорбўрон туфайли 14 мингга яқин уй-жой электр энергиясиз қолган. Хабарларга қараганда, мамлакатнинг Нью-Брансуик ва Монреаль провинцияларидаги қор қалинлиги 1 метрга етган. Айрим ҳудудларда ҳатто симёғочлар ҳам аганаган. Шунингдек, табиат инжиқлиги натижасида мактаблар ҳам ёпилиб, кўплаб авиарейслар бекор қилинган. Автомобиль йўлларида эса қатнов деярли тўхтаган.



XXI ASR

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2013 йил учун ОБУНА

ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.



Сўнгги саҳифа

Осиё чемпионлар лигаси

«Шерлар»ни Тошкентда, «қалдирғочлар»ни эса Хиросимада кутишяпти

КЕЙИНГИ ҲАФТАДА СТАРТ ОЛАДИГАН «ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ-2013» МУСОБАҚАЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ ТУРИДА «ПАХТАКОР» ЎЗ МАЙДОНИДА САУДИЯ АРАБИСТОНИНИНГ «АЛ ИТТИФОҚ» ЖАМОАСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛСА, «БУНЁДҚОР» САФАРДА ЯПОНИЯНИНГ «САНФРЕЧЧЕ ХИРОСИМА» КЛУБИ БИЛАН БЕЛЛАШАДИ

Убайдулло ҲАМИДОВ,
«XXI ASR»



Таъкидлаш жоиз: қитъанинг футбол клублари ўртасида ўтказиладиган энг нуфузли турнирида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни мақсад қилган жамоаларимиз жорий мавсумга жиддий ҳозирлик кўрдилар. Хусусан, «пахтакорчи»ларнинг Туркия ва БААда ташкил этилган йилнингларда Қатарнинг «Ал Жайш», Беларуснинг БАТЭ, Украинанинг «Металлист», «Черноморсе», «Арсенал», Россиянинг «Анжи» ва «Кубань» каби номдор жамоалари билан ўртоқлик-назорат учрашувлари ўтказгани, мавсум оралигида таркиб Жора Оганесян, Анвар Ражабов, Александр Мерзляков, Эддор Маматқазин каби футболчилар билан кучайтирилганини айтиш мумкин. Умид қиламизки, бир неча йиллик танаффусдан сўнг ўтган мавсумда, шўҳрат, мамлакатимиз чемпионлигини қўлга киритган «шерлар» халқаро майдонда ҳам галабаларни қайд эта бошлайдилар.

Дарвоқе, 26 февраль куни чемпионимизга қарши майдонга тушадиган рақиб жамоа ҳақида икки оғиз сўз: 1944 йилда Даммам шаҳрида ташкил этилган «Ал Иттифоқ» ўз тарихи давомида икки марта мамлакат чемпиони, шунингдек, уч марта Саудия Арабистони Футбол федерацияси ҳамда бир марта валяхд шаҳзода кубоклари соҳиби бўлган. Бундан ташқари, жамоа араб давлатлари клублари ўртасида ўтказилган қатор халқаро мусобақаларда голибликни қўлга киритган. Эслаб ўтиш жоиз: «ОЧЛ-2013» гуруҳ босқичида Мурод Исмоилов шогирдлари, шунингдек, Қатарнинг «Лаҳвия» ва ҳамюртимиз Азиз Ҳайдаров тўп сурайдиган «Ал Шабаб» (БАА) жамоаларига қарши ўйнайдилар.

Ўтган мавсумда ОЧЛнинг ярим финалига қадар етиб борган ҳолда кўпчилик мутахассисларда яхши таассурот қолдирган «Бунёдкор» қуръага кўра бу йил ҳам гуруҳ босқичида Шарқий Осиё клублари билан беллашадиган бўлди. «Қалдирғочлар» «Санфречче Хиросима»дан ташқари Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерз», Хитойнинг «Бейжинг Гуоан»

каби жамоалари жойлашган «G» гуруҳидан ўрин олдилар.

«Пахтакор» сингари БАА (2 марта) ва Туркияда ташкил этилган ўкув-йиғинлари давомида маҳаллий жамоалар, шунингдек, Россия, Украина, Польша клублари билан ўртоқлик учрашувларини ўтказган «Бунёдкор» мавсум оралигида таркибга Фозил Мусаев, Олег Зотев, Мурод Зухуров, Игорь Таран сингари терма жамоа аъзоси ҳамда унинг таркибидан ўрин олишга даъвогарлик қилаётган футболчиларни жаб қилди.

Ишончимиз комилки, ўтган йилдагидек фақат маҳаллий футболчилардан кучли жамоа шакллантиришга ҳаракат қилаётган Миржалол Қосимов бу йил 2012 йилги натижани яхшилаб, ўзбек футбол тарихи-

да янги саҳифа очишга муваффақ бўлади.

27 февраль куни вакилларимизни Хиросимадаги «Big Arch» стадионида қабул қиладиган «Санфречче» ҳақида гап кетар экан, 1938 йилда тузилган мазкур клуб 2012 йилга қадар (ана шу мавсумда жамоа ўз тарихида биринчи марта мамлакат чемпионлигини қўлга киритган) йирик мусобақаларда галаба қозонмаганини, шунингдек, ушбу мавсум вақти ўзбекистон терма жамоасини бошқарган Валерий Непомнящий ҳамда «Анжи»нинг собиқ мураббийи Галжи Гаджиев ишлагани, бундан ташқари, жамоада бир пайтлар терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилган Олег Пашинин тўп сурганини айтиш мумкин.

ХАБАРЛАР

ТЕЗЛИК ОШИРИЛИБ, САРФ-ХАРАЖАТЛАР 20 ФОНЗГА КАМАЯДИ

2011-2015 йилларда инфраструктура, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жаддалаштириш ластурига мувофиқ, Мароқанд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл участкалари ҳам тўлиқ электрлаштирилди. Мутахассисларнинг баёнотида, ҳозиргача мазкур йўналишлар бўйлаб 1800 га яқин махсус электр линиясининг таянч устунлари ўрнатилиб, таркибий қисмлар бир-бирига мустақамловчи анкерлар билан монтаж қилинди. «1-сонли энергомонтажполез» унитар корхонаси раҳбари уринбосари Абдуразақ Қодировнинг таъкидлашича, айни пайтда 140,8 километрик Мароқанд-Қарши ҳамда 325,7 километрик Қарши-Термиз участкаларида қия йўллар тўғрилини, теъзorar поезд учун йўллар текисланмоқда. Мароқанд-Тумба оралигида эса электр симлари учун устунлар ва уларнинг пойдеворлари ўрнатиб бўлинди. Эътиборлиси, 2011-2016 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳаси доирасида тармоқни электрлаштириш билан бир қаторда темир йўл бекатларида янги технологик иншоотларни қуриш ва автоматик бошқарувнинг замонавий компьютер тизимларини жорий этиш ҳам режалаштирилган. Таъкидлаш лозим, мазкур лойиҳанинг ҳаётга таъбиқ этилиши ўта муҳим транзит йўналиши бўйлаб минтақавий боғланувчанликни яхшилаш, транспорт харажатларини 20 фоизга камайтириш ҳамда маҳаллий савлони янада ривожлантириш имконини беради. Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра, мазкур участкаларни электрлаштириш натижасида поездалардан фойдаланиш сарф-харажатлари 20 фоизга камайиб, йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлиги 1,3 баробарга ошди.

Сайфулла ИКРОМОВ тайёрлади.

«ПАПАГАНДУС» — 3D ФОРМАДАГИ БИРИНЧИ ЎЗБЕК ФИЛЬМИ

1 март куни мамлакатимиз катта экранларида «Ўзбекистон» Миллий агентлиги кўмагида «Fantasy Production» студияси томонидан сурат олинган 3D форматдаги биринчи ўзбек фильми премьераси бўлиб ўтади. «Папагандус» деб номланган фильм фантастик-саргулаш жанрида яратилган бўлиб, картинадаги бош ролларни Азиз Ражабов, Алишер Абдукаримов, Мабруф Отахонов каби актёрлар ижро этган. Сюжет бўйича фильм қаҳрамони — Равадан дўсти Алишер билан бирга оғир хастахика чалинган онасининг дардига шифо бўлишдан, олис манзилларда ўсувчи ноёб ўсимликни қидириши. Маълумотларга кўра, ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида дубляж қилинган «Папагандус»ни сурат олиш жараёнида ижобий гуруҳ 40 га яқин махсус эффектлар фойдаланган. Лойиҳа муаллифи Азиз Папагандовнинг таъкидлашича, гарчи фильм 70 кунда сурат олинган бўлса-да, монтаж ишларида 4-5 ой вақт сарфланган.

Шухрат ХҲЖАЕВ тайёрлади.

УНИНГ БАҲОСИ БИР ЯРИМ МИЛЛИОН

Big Splash исми қизил Тибет мастифи хитойлик кўмир барони томонидан жулдум қиммат — бир ярим миллион долларга сотиб олинди. Хитойликлар Hong Dog, деб аталувчи ит уни сотиб олган манхур Лу Лянинг ҳамма жиҳатдан кўнглига мос келди. Айтиш жоиз: Хитойда қиммат автомобиль ва заргарлик буюмлари билан бир қаторда Тибет қизил мастифлари бойлик тисмолари ҳисобланади. Бу ит зоти қадимий тарихга эга бўлиб, кўчманчи Хитой қабилалари давридан бери мавжуд.



ТОШКЕНТГА ЯНГИ АВТОБУСЛАР КЕЛТИРИЛАДИ

«Тошхажратрансхизмат» ассоциацияси ахборот хизматида хабар қилинишича, яқинда Германияга сафар уюштирган Ўзбекистон делегацияси «Daimler AG» компанияси вакиллари билан учрашуви чоғида «Mercedes-Benz» автобусларининг янги, жумладан, мўқобил ёнилғи, яъни суьюттирилган газда ишлайдиган русумларини кўздан кечиришди. Бундан ташқари, таширф чоғида делегация вакиллари 2008, 2009 ва 2012 йилларда Тошкент шаҳри учун харид қилинган «Mercedes-Benz Conecto Low Floor» русумдаги автобусларнинг техник ҳолатини сақлаб туриш мақсадида уларга сервис хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларини ҳам кўриб чиққан. Таъкидлаш жоиз: «Daimler AG» билан 1994 йилдан буюн ҳамкорлик қилиб келган «Тошхажратрансхизмат» ассоциацияси томонидан дунё бозорига энг ишончли ва қулай транспорт тури сифатида эътибор этилган бир неча русумдаги 1000 дан ортиқ «Mercedes-Benz» автобуси сотиб олинган. Шухрат ХҲЖАЕВ тайёрлади.



«APPLE» ДАН ҲАМ ҚИММАТ

АҚШнинг Exxon Mobil нефт-газ корпорацияси дунёда энг қиммат компания, дея эътироф этилди. Айни пайтда унинг акцияси нархи 0,2 фоиз, яъни 91,51 долларга ошиб, 417 миллиардни ташкил этди. «Apple» нархи эса 1,9 фоизга тушиб, акция баҳоси 441,78 долларга пасайгани маълум бўлди. Бунга, аввало, компьютер гиганти томонидан ишлаб чиқарилган iPhone 4 ва iPhone 5 мобил алоқа воситаларидан кутилган даромад олинмагани боис инвесторларнинг компанияга ишончасизлик билдиригани сабаб бўлди. Таъкидлаш жоиз, «Apple» корпорацияси жорий йилнинг январь ойига қадар дунёда энг қиммат компания ҳисобланарди.

АКУЛАДАН ХАВОЛИ

Дунёда балиқлар орасида ўта хавфли, қонхўр ва бешафқат тишлайдиганини биласизми? Талқичоқчиларнинг таъкидлашича, Уругвай, Боливия, Парагвай ва шимоли-шарқий Аргентинада кенг тарқалган қора пирания (Serrasalmo rhombeus) шундай балиқ ҳисобланади. Унинг жағ мушаклари кучи 30 та балиқ кучига тенг ва бу каби хусусият сайёрамиздаги деярли ҳеч бир жонотда мавжуд эмас. Катта оқ ақула, тисмоҳ ёки сиртлолар ҳам қаттиқ тишлайди, лекин уларнинг тишлаш кучи тана катталиги ва оғирлигига таққосланса, қора пираниялардан орта қолади. Тахминан 50 сантиметргача узунлигидаги бу балиқларнинг жағ кучи минг йиллар аввал яшаган йиртқич динозавр, тиранозавр ва қадимги китларникидан ҳам кучлироқдир.

Шахмат

КУЧЛИЛАР ОЛИЙ ЛИГАДА ЎЙНАЙДИ

Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг хотин-қизлар ўртасидаги биринчи лига финал босқичида ўттиз нафардан зиёд шахматчи олий лиганинг уч йўлланмаси учун дона сурди. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Шахмат федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада соврилли ўринлар учун кураш сўнгги тургача давом этди. Швейцария усулида ўтказилган чемпионатда навоийлик Моҳинур Қаҳрамонова биринчи ўринни эгаллади. «Умид Nicholson» — 2012» голибаси бўлган Моҳинур тўққиз учрашувда етти очко жамгарди. Пойтахтлик Баҳора Абдусаторова сўнгги турда ҳамшаҳри Мафтуна Рустамовани қора доналарда мот қилиб, очколари сонини еттигача етказди ва қўшимча кўрсаткичлар бўйича биринчи лиганинг кумуш медалини қўлга киритди. Сўнгги тур олдида иккинчи ўринни эгаллаб турган Дина Абдулмажид эса олий лигада дона суриш имконини кўздан бой берди. У охириги партиядо оқ доналарда ўйнаганига қарамай, яна бир тошкентлик спортчи Полина Вербовага ютқазди. Полина 6,5 очко билан учинчи ўринга кўтарилиб, май ойида ўтказиладиган Ўзбекистон чемпионатининг олий лигасига йўлланма олди.



Зоҳир ТОШХҲЖАЕВ, Ўза мухбири

ИНВ. ЙҲХҲББ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафта давомида йўл-патруль хизмати инспекторлари томонидан жами 80421 та қондабузарлик аниқланди. Буларнинг 45711 тасини қўпол қондабузарликлар ташкил этди. Жумладан, 1223 нафар ҳайдовчи транспорт воситасини маст ҳолда бошқарганили, 16847 нафари белгиланган тезлик талабларини, 3984 нафари светофор ва чоррақалардан ўтиш, 12403 нафари одам ташин, 219 нафари темир йўл кесимларидан ўтиш қоидаларини бузганлиги учун тўхташтирилди ва маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Шунингдек, транспорт воситасининг ойналарини мейёрдан ортиқ қорайтирган 510 та, ҳаракат вақтида телефондан фойдаланган 1116 та ва хавфсизлик камарини тақмасдан ҳаракатланган 14539 та ҳайдовчига нисбатан ҳам тегишли чоралар кўрилди. Энди шу кунларда содир этилган айрим йўл-транспорт ҳодисаларининг тафсилотлари билан танишиб, «Йўл қондаси — умр фойдаси», деган ҳикматли даъватни ёдда тутсақ мақсадга мувофиқ бўларди. 2013 йил 16 февраль куни соат 21.30 да Сурхондарё вилоятининг Ангор туманида япончи Х.Норматов Сариосиё туманида истиқомат қилувчи Т.Халилова тегишли «Нексия» русумли автомобилни ишонч қозонсиз бошқариб кетаётганда Шеробод туманида яшаган Т.Раҳматовани уриб юборган. Натижада шёда касалхонада вафот этган. Шу йилнинг 14 февраль куни соат 15.30 да Андижон вилоятининг Балиқчи туманида япончи Д.Ҳамламов шахсий «Нексия» русумли автомобилни бошқариб кетаётганда йўл четига дарахтга урилиши оқибатида унинг ичидиги йўловчи И.Турсунов вафот этган.

Шухрат РАҲИМОВ тайёрлади.

Янгиликлар

100 КИЛОМЕТРГА — 2,5 ЛИТР «ЕЙДИ»

Франциянинг машҳур автомобиль инлаб чиқарувчи компанияларидан бири — Peugeot 2016 йилда бензин билан бирга ҳам ёрдамида ҳаракатланадиган Citroen C3 ва Peugeot 208 русумли автомашиналар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Эътиборлиси, Air Hybrid тизимидаги ушбу автомобиль 100 километрга бироз сиқилган ҳаво ва 3 литрдан кам ёнилғи сарфлаб, экологияга зарар етказмайдиган ҳолда ҳаракатланади. Peugeot вакиллари бу каби тежамкор машиналар компаниянинг «В» тоифасидаги барча автомобилларида қўлланишини ва 2020 йилга келиб 1-1,5 литр бензин сарфлайдиган автомашиналар ишлаб чиқаришларини таъкидлашмоқда.



ФИЛНИ ҲАЙДАГАН ЎТ

Чили гармдорлари турига мансуб «Тринидад чаёни» ўсимлиги Гиннеснинг рекордлар китобига энг аччиқ қалампис сифатида киритилди. Эътиборлиси, Кариб денгизидоги Тринидад оролида ўсувчи бу ўсимликнинг ҳиди ва таъми шу қадар ўткирки, Ҳиндистонда у ҳатто филларни ҳайдаш воситаси сифатида ишлатилар экан. Таъкидлаш жоиз: заҳарли газга қарши махсус ниқоб ва кимёвий ҳимоя кийимларидан фойдаланган ҳолда парваршиланадиган ва қайта ишланадиган бу ўсимлик Тринидад ва Табаго мамлакати ҳарбий санаотида — кўзни ёшлантурувчи газ хом ашёси сифатида қўлланилади. Шунингдек, бу ўт суви турли денгиз жониворлари зараридан ҳимоялаш учун кемаалар тубига суртиладиган буюк таркибига ҳам киритилган.

Равадан ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

Эъло

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ ВАЗИРЛИК, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ, ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ШАРҚ ИМП ЭКС» туристик компанияси Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива шаҳарлари бўйлаб барча қулайликларга эга бўлган саёҳатлар уюштиришини маълум қилади.

Нархлар келишилган ҳолда амалга оширилади.

Маълумот учун телефонлар: (+99899) 273-02-95, (+99895) 507-04-60

Хизматлар лицензияланган!